

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг  
2022 йил “ 29 ” апрелдаги 16–сон  
буйруғига 7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг  
худудий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни  
текшириш бўйича**

**ЙЎРИҚНОМА**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Йўриқнома (кейинги ўринларда – Йўриқнома) Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (бундан буён матнда Кўмита деб юритилади) ва унинг худудий ва таркибий бўлинмаларига (кейинги ўринларда – Кўмита тизими) ишга қабул қилишда номзодлар текширувани ўтказишининг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички ҳужжат ҳисобланади.

2. Ушбу Йўриқноманинг мақсадлари қуидагилардир:

номзод томонидан тақдим этилган ўзи, унинг профессионал фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан қариндошлик ва тижорат алоқалари ҳақидаги маълумотларни текшириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Кўмитанинг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳалол, сифатли, пухта, холис амалга оширишга қодир жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш;

Кўмита тизимида лавозим мажбуриятларини бажариш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шунингдек уларни ишга олиш қўмита тизими учун обрў, коррупцияга оид ёки бошқа хатарларга олиб келувчи номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш;

раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, ҳалол, виждонли, қонунга итоаткор ходимларни танлаб олиш.

3. Ушбу йўриқнома ишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан алоҳида тартиб белгиланган лавозимларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

**2-боб. Асосий тушунчалар**

4. Ушбу Йўриқнома мақсадларида қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий хуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш,

таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилинди, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**манфаатлар тўқнашуви** – Кўмита тизими ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**номзод** – қўмита тизимининг бўш иш ўрни талабларига жавоб берувчи, вакант иш жойига танлаб олинган жисмоний шахс.

**ноқонуний фойда** – ваъда қилинадиган, таклиф этиладиган, тақдим этиладиган ёки қонуний асоссиз олинадиган пул маблағлари ёки бошқа молмулк, ёки мулкий ҳукуқлар, афзалликлар, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар, бошқа ҳар қандай моддий ёки номоддий фойда;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа молмулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.

### **3-боб. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишга қўйилган умумий талаблар ва уларнинг муддатлари**

5. Инсон ресурслари бўлими ва комплаенс назорати бўйича бош мутахассис номзодларни текшириш учун масъул ҳисобланади.

6. Текширув барча доимий ва муддатли лавозимларга номзодлар, шунингдек фуқаролик-ҳукуқий шартномалар бўйича қабул қилинган номзодларга нисбатан амалга оширилади.

7. Агар ходимларни танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - ДХРА) томонидан амалга оширилса, номзодларни текшириш номзод қабул комиссияси баённомаси билан тасдиқлангандан сўнг, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасидан олдин амалга оширилади.

8. Агар номзодларни танлаб олиш ДХРА иштирокисиз амалга оширилса, у ҳолда ишга қабул қилинаётган номзод професионал танлов ва

(ёки) тестдан муваффақиятли ўтгач, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасдан аввал текширилади.

9. Номзодни текшириш 5 (беш) иш қунигача бўлган муддатда амалга оширилади.

10. Номзодни белгиланган муддатларда текшириш холис сабабларга кўра имконсиз бўлса, унинг давомийлиги 5 (беш) иш қунигача бўлган муддатга чўзилиши мумкин.

#### **4-боб. Текшириш учун ҳужжатлар ва маълумотларни олиш**

11. Номзодни текширишни амалга оширадиган Инсон ресурслари бўлими ва комплаенс назорати бўйича бош мутахассис (кейинги ўринларда – Ижрочилар) текширувни ўтказиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилинаётганда талаб этиладиган ҳужжатлар нусхалари;

номзод томонидан Кўмитадаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички идоравий ҳужжатга мувофиқ шаклда тўлдирилган ва имзолangan декларация нусхаси.

12. Маълумотнома олинаётганда тўлдирилмаган бандлар мавжуд бўлса, Ижрочи номзоддан етмаётган маълумотларни сўраб олиши мумкин.

13. Ижрочи номзоддан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тушунтириш ва қўшимчаларни сўраб олишга ҳақли.

14. Номзод сўралаётган ҳужжатлар ёки маълумотларни тақдим этишини рад этган тақдирда номзодни текшириш очик фойдаланувдаги ва Ижрочи тасарруфидаги маълумотлар асосида, шунингдек расмий сўров юбориши орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда Ижрочи текширув натижаларига оид хуносада тегишли қайдни амалга оширади.

15. Номзоднинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортиши унинг ишга жойлашишини рад этиш учун сабаб бўлмайди.

#### **5-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш учун ахборот манбалари**

16. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш доирасида номзоддан олинган маълумотлар, шунингдек очик манбалардан ёки расмий сўровлар юбориши орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаш амалга оширилади.

17. Маълумотларни йиғиш ишга жойлашаётган номзод ҳақидаги умумий ва холис фикрни шакллантириш, номзоддан олинган, жумладан маълумотномада қайд этилган, номзоднинг <https://vacancy.argos.ru> сайтидаги шахсий профилидаги ҳужжатлар ва маълумотлар ишончлилигини баҳолаш, шунингдек ўзи ҳақидаги маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўқлигини таҳлил қилиш учун барча очик ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

18. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш учун ахборот манбалари қонунийлик ва холислик талабларига жавоб бериши лозим. Ижрочи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига, номзоднинг аввалги иш жойлари, ўқув муассасалари ва ҳ.кларга тақдим этилган маълумотларни текшириш учун расмий сўров юбориш мумкин.

19. Ижрочи хуқуқни муҳофаза қилиш органларига сўров юбориш орқали номзоднинг судланганлиги, фирибгарлик, коррупция ва зўравонлик билан боғлиқ ишларга алоқадорлигини текшириши мумкин.

20. Номзод ҳақидаги маълумотларни текшириш учун қуйидаги очик ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин:

Давлат хизматлари агентлигининг юридик шахслар ва якка тадбиркорлар маълумотларини текшириш бўйича платформаси - [https://fo.birdarcha.uz/s/ru\\_landing](https://fo.birdarcha.uz/s/ru_landing) Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри (КТЯДР) - <https://stat.uz/ru/uslugi-1/svedeniya-iz-egro> Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали - <https://my.soliq.uz/main/?lang=ru> Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлари портали - <https://data.gov.uz/ru> Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси - <http://kadastr.uz/ru/> Ижро ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг маълумотлар базаси - <https://mib.uz> Ахборот қидирув тизимлари (масалан, Google, Яндекс ва ҳ.к.) ва ҳ.к.

Ушбу рўйхат зарур бўлганда ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши мумкин бўлган манбаларнинг тахминий рўйхатини ифодалайди.

## **6-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текширувни ўтказиш йўналишлари**

21. Номзодларни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

номзода тутатилмаган судланганлик ҳолати ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги;

суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга тақиқ йўқлиги – раҳбарлик лавозимига номзод учун;

номзод ёки унинг яқин қариндошлари тўғрисида уларнинг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги;

аввалги иш жойларидан салбий тавсияномалар йўқлиги;

номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатлари йўқлиги;

номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақига мос келмайди ва бошқалар).

22. Қайд этилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий. Бунда текширув йўналишлари рўйхати заруратга қараб ҳар бир аниқ ҳолатда кенгайтирилиши мумкин.

## **7-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш натижалари**

23. Номзодни текшируванин ўтказиш натижалари бўйича Ижрочи томонидан Номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот тузилиб (ушбу Йўриқномани 1-илова шакли бўйича), мазкур ҳисобот Инсон ресурслари ва комплаенс назорати бўлимидан сақланади. Ўтказилган текширув ва унинг натижаларига оид маълумотлар Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 2-илова)га киритилади.

24. Кўмитанинг Инсон ресурслари бўлими ва комплаенс назорати бўйича бош мутахассиси Кўмита тизимидағи Номзодларни текшириш реестрига қиритиладиган маълумотларни йифиши ва ушбу Реестрни актуал ҳолда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

25. Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисботнинг 3 бўлимидағи 3.1, 3.2, 3.3 ёки 3.4 бандлари саволларига битта ва ундан кўп хавф индикаторлари мавжуд бўлган тақдирда (“Ха” жавоблари) ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хулоса киритилади. 3.5 ёки 3.6 бандларидаги саволлардан бирини биттасига бўлса ҳам бир ва ундан ортиқ хавф индикаторлари (“Ха” жавоблари) мавжуд бўлган тақдирда, текширув ўтказаётган шахс вазиятни коррупциявий хавф-хатарлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича баҳолайди.

26. Коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд бўлган тақдирда текширув ўтказаётган шахс уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни таклиф қиласи ёки бундай хатарлар даражасини пасайтириш имкони бўлмаган тақдирда номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хулоса беради.

27. Салбий хулоса берилган тақдирда номзодни, шу жумладан худудий ва таркибий бўлинмаларга ишга қабул қилиш Кўмита раҳбарияти қарорига кўра номзод ишга олинаётган бўлинма раҳбарияти томонидан мазкур йўналишни назорат қилувчи раҳбар ўринбосари ва Инсон ресурслари бўлими ва комплаенс назорати бўйича бош мутахассис билан келишилган ҳолда тузилган хизмат маълумотномаси асосида амалга оширилади. Хизмат маълумотномасига Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисбот нусхаси илова қилинади.

28. Текширув натижалари бўйича коррупциявий хатарлар аниқланган ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этилган номзод ишга олинган тақдирда ходимнинг раҳбари тавсия этилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини назорат қилиш учун жавобгар ҳисобланади.

## **8 боб. Текширувни хужжатлаштириш ва хужжатларни сақлаш муддатлари**

29. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари (жумладан, Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисбот ва бошқа ҳамроҳ хужжатлар) маҳфий ҳисобланади ва ишга жойлашаётган номзодни танлаб олиш ва

текшириш жараёнида иштирок этмаётган қўмита ходимлари ва бошқа учинчи шахсларга ошкор этилмайди.

30. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 1-илова)дан фақатгина Ижрочилар фойдаланиши мумкин.

31. Лавозим мажбуриятларини амалга ошириш учун бундай маълумотлардан фойдаланиши зарур бўлган бошқа ходимлар коррупцияга қарши кураш фаолиятини назорат қилувчи раҳбар ўринбосарининг ёзма розилигини олиши лозим.

32. Номзод ишга жойлаштирилган тақдирда Текширув ўтказилгани ҳақидаги ҳисоботнинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддат ва тартибда ходимнинг шахсий йиғма жилдида сақланиши шарт.

33. Текширув ўтказилгани тўғрисидаги ҳисобот нусхаси, шунингдек ҳисоботдаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлар (*масалан, скриншотлар, кўчирма, ваколатли муассасаларга юборилган сўровлар ва уларга олинган жавоблар ва ҳ.к*) Инсон ресурслари бўлими ва комплаенс назорати бўйича бош мутахассис томонидан камида 10 (үн) йил давомида сақланиши шарт.

34. Қўмита тизимида ишга жойлаша ололмаган номзодларни текшириш натижалари уч йил давомида сақланади.

35. Агар номзод Кўмита тизимида ишлашга сўнгги текширув ўтказилгандан сўнг 2 йил давомида даъвогар бўлса, қайта текширув талаб этилмайди (манфаатлар тўқнашуви бўйича текширув бундан мустасно). Агар сўнгги текширув ўтказилганига икки йилдан ортиқ вақт бўлган бўлса, номзод қайта текширилиши лозим.

## **9-боб. Якуний қоидалар**

36. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда ёки номзодларни текшириш жараёнини такомиллаштириш зарурати туғилганда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.

37. Ушбу Йўриқнома қоидаларини бузишда айбордor ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Кўмита ички ҳужжатларида кўзда тутилган тартиб ва асосда интизомий ва бошқа жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-  
қизлар давлат қўмитаси, унинг худудий  
бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган  
номзодларни текшириш бўйича  
Йўриқномага 1-илова

### **Номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот**

<b>1 Асосий маълумотлар</b>		
1.1	Номзоднинг ФИШ	
1.2	Туғилган санаси	
1.3	Бўш лавозим номи	
1.4	Бўлинма	
1.5	Боғланиш учун телефон	
1.6	Эл.почта манзили	
<b>2 Иш тажрибаси</b>		
2.1	Аввалги иш жойлари (тескари хронологик тартибда), лавозимлари	
2.2	Аввалги иш жойларидан салбий фикрлар мавжудлиги	Ҳа / Йўқ
<b>3 Текширув натижалари</b>		
3.1	Ушбу Йўриқноманинг 11-бандида кўзда тутилган хужжатларнинг тўлиқ пакети олиндими? («Йўқ» жавоби фақатгина Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш вақтида талаб этилган хужжатлар тақдим етилмаган тақдирда берилиши мумкин)	Ҳа / Йўқ
3.2	Номзоддан олинган, жумладан маълумотномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилик аломатлари ва у томонидан ўзи ҳақидаги айrim маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўқлиги	Ҳа / Йўқ
3.3	Номзодда тугатилмаган судланиш жараёни ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги	Ҳа / Йўқ
3.4	Суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга тақиқ йўқлиги (раҳбарлик лавозимига номзод учун)	Ҳа / Йўқ
3.5	Номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатлари мавжудлиги: 1) номзоднинг яқин қариндошлари Ташкилотнинг амалдаги ходими ҳисобланади	Ҳа / Йўқ
	2) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари раҳбарлик лавозими ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ лавозимни эгаллаб турган бўлса ёки потенциал равишда Ташкилот контрагентлари бўлиши мумкин бўлган компаниялар бошқарув органлари таркибиغا кирса	Ҳа / Йўқ
	3) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари ҳар қандай ташкилотнинг оммавий муомалада бўлмаган	Ҳа / Йўқ

	акциялари ёки устав капиталидаги улуши ёхуд Республика фонд биржаси ёки бошқа фонд биржасида оммавий муомалада бўлган қимматбаҳо қоғозларнинг 5% ва ундан ортиғига эгалик қилса ёки компаниялар фаолияти натижаларида шахсий манфаатдорлиги бўлса (жумладан, инвестициялар киритиш орқали)	
	4) Бошқа аломатлар	Ҳа / Йўқ
3.6	Иш жойига номзод ёки унинг яқин қариндошларининг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўклиги	Ҳа / Йўқ
3.7	Номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўклиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этилган ҳаёт тарзи расмий или ҳақига мос келмайди ва бошқалар).	Ҳа / Йўқ
3.8	Бошқа маълумотлар (жумладан, интервью натижалари)	Ҳа / Йўқ
<b>4</b>	<b>Коррупциявий хавф-хатарлар таҳлили (3.5 ҳамда 3.6 бандларига ёки ушибу бандларнинг биттасига жавоб ижобий бўлса) ва уларни минималлаштириш чоралари бўйича тавсиялар</b>	

<b>5</b>		<b>Хулоса</b>	
		<b>Ҳа / Йўқ</b>	<b>Изоҳлар</b>
3.1, 3.2, 3.3 ва 3.4 бандларида кўрсатилган хатар индикаторлари мавжудлиги			Қайд этилган тоифадаги ақалли битта хатар мавжуд бўлган тақдирда хулоса салбий берилади
3.5, 3.6, 3.7 ва/ ёки 3.8 бандларида хатар индикаторлари мавжудлиги			Юқори коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни камайтириш бўйича чоралар кўриш имконсиз бўлган тақдирда хулоса салбий берилади
<b>ЯКУНИЙ НАТИЖА</b>		(салбий хулоса / ижобий хулоса)	
<b>ТАВСИЯЛАР</b> (аниқланган хатарларни ҳисобга олган ҳолда)			

Ижрочи

(ФИШ)

“ ” 20 й.

имзо

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-  
қизлар давлат қўмитаси, унинг худудий  
бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган  
номзодларни текшириш бўйича  
Йўриқномага 2-илова

**Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш реестри**

т/р	Номзоднинг <b>ФИШ</b>	Бўш лавозим номи	Марказий аппаратдаги ёки худудий ва таркибий бўлинма номи	Текширув ижрочиси, <b>ФИШ</b>	Номзодни текшириш бўйича хисобот санаси ва рақами	Текширув натижаси (мусбат /манфий/ аниқланган хатарлар)	Текширув натижасини асословчи қисқа изоҳлар
1	2	3	4	5	6	7	8
1							
2							
3							
4							
5							